Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

15 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА № 180 (675). 1993 йил.

Сотувда эркин нархда.

КЕЧА МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДАВЛАТ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ МАХСУС ТОПШИРИҚЛАР БЎЙИЧА ЭЛЧИСИ ЖАНОБ СТРОБ ТАЛБОТТИИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СУРАТДА: қабул пайти. Р. ЖУМАНИЁЗОВ тасвири.

Суҳбат чоғида давлатимиз бошлиғи меҳмонга Ўзбекистоннинг яқин ўтмиши, бугунги куни ва келажак режалари хусусида муфассал ҳикоя қилди. У Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий алоқаларнинг истиқболига катта умид билан қараётганини айтди. Ҳозирча ўзаро иқтисодий алоқалар кўлами етарли даражада эмас, деди Президент, америкалик сармоя аҳли биз билан ўзаро манфаатли асосда ҳамкорлик қилишига барча имконият мавжуд. Ташқи иқтисодий алоқалар хусусидаги янги қонунларимиз, айниқса, бож тўловлари ва солиқ борасидаги катта имтиёзлар хорижий сармоядорларни ўзига жалб этмоқда. Европанинг ривожланган мамлакатлари, Жанубий Осиёнинг илғор давлатлари буни аллақачон тушуниб етди ва Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлик қила бошлади.

Строб Талботт жаноблари Ўзбекистон раҳбарига Президент Клинтоннинг саломини етказди ва ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳақидаги тилакларга самимий рағбат билдирди. Америкалик меҳмон ўз давлатининг собиқ СССР ўрнида вужудга келган янги республикаларда инсон ҳуқуқлари масаласини синчиклаб ўрганаётганини баён этди. У демократия борасида янги давлатларга Туркия мамлакати ибрат бўлиши мумкинлигини айтди. Президент Каримов бу фикрни тасдиқлаб, Туркия давлати тарафидан бизга ҳеч бир эътироз йўқлигини, аксинча, ўзаро сиёсий, маданий ва иқтисодий муносабатлар изчил ривожланаётганини таъкидлади.

Самимий суҳбат чоғида Президент меҳмонга шундай деди: «Айтайлик, АҚШдаги муаммоларни ва уларнинг ечимини ким ҳаммадан кўпроқ англайди? Албатта, америкаликларнинг ўз давлати, ўз халқи ва ўз раҳбарияти. Худди шу сингари, Ўзбекистон муаммоларини англайдиган, туб моҳиятига етадиган ва уларни ҳал этадиган ҳам Ўзбекистоннинг ўзи, унинг халқи ва раҳбарияти бўлиши керак, деб ўйлайман. Шубҳасиз, сизнинг бу ташрифингиздан кейин мамлакатингизда бизнинг Ватанимиз ҳақида ҳаққоний маълумотлар кўпайиб, тасаввурлар ўзгара бошлайди».

Суҳбат чоғида Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Америка Қўшма Штатларидек қудратли ва демократик анъаналарга бой мамлакат билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга ва ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорликка тайёр эканини яна бир карра таъкидлади.

Қабулда Президентнинг давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев, Ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов, АҚШнинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Лин Кларк иштирок этди.

(ЎзА).

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ботиршо Сайла ули 14 сентябрь куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Элчи жаноблари ишонч ёрлиғини топширар экан, яқинда давлат мустақиллигининг икки йиллигини нишонлаган Ўзбекистон халқини самимий табриклади. Қозоғистон раҳбарияти Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ихтисослашуви ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларига юқори баҳо бераётганини айтди.

Ислом Каримов Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик давлатлар бўлмиш Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида яхши қўшничилик муносабатлари ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Яқинда Алмати ва Кўкчатовга сафар чоғида Қозоғистон раҳбарлари билан қилинган самимий мулоқотлар қон-қардошлигимиз ва манфаатларимиз муштараклигининг ёрқин ифодаси бўлганини айтди. Президент Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги биринчи элчиси тайинланиши муносабатларимизнинг янада ривожланишига хизмат қилади, деб умид билдирди.

(ЎзА).

Ишонч ёрлиғи топширилиши муносабати билан

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ

БОТИРШО САЙЛА ули



1942 йилда туғилган. Тошкент Давлат Университети ва СССР Ташқи ишлар вазирлигининг олий дипломатия мактабини тугатган. Сурияда ҳам таҳсил олган. Иқтисод фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини Қозоғистоннинг чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар жамиятида масъул котибликдан бошлаган. 1965 йилдан бошлаб дипломатия соҳасида. СССРнинг Жазоирдаги элчихонасида биринчи котиб, СССРнинг Конгодаги элчихонасида иккинчи котиб бўлиб ишлаган.

Қозоғистон давлат университетининг профессори.

1990 йил июнидан Қозоғистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари лавозимида ишлаб келган.

Араб, француз ва ўзбек тилларини билади.

Уйланган, уч фарзанди бор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўъбаси.

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар киладилар

ЯНГИЛИКЛАР ❊ ФАКТЛАР ❊ ВОКЕАЛАР

ХАРИД ҚИЛГАНЛАР МАМНУН

ТОШКЕНТ. «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида эркаклар костюмларининг дастлабки туркуми тайёрланди.

ҲОЗИР тажриба цехи конструкторлари оммавий эҳтиёж моллари хилини янгилашга ҳаракат қилишаяпти. Бежирим тикилган янги маҳсулотнинг бир қисми яқинда корхона ёнида очилган фирма дўконида сотувга чиқарилди.

ОТА МЕРОС КАСБ

ШАҲРИХОН. Мисгарлик Абдураҳмон Абдуллаевга ота мерос касб. Уста ясаган пиёла, офтоба, лаган, қумғон, пичоқ қиларига туширилган нақшларни кўриб, мўъжиза дейсиз. Ҳозир оила аъзолари ҳам бош пайтлари устога кўмаклашишаяпти.

ХУСУСИЙ ЛИЦЕЙ ОЧИЛДИ

ГУЛИСТОН. Туркиянинг «СЭЛМ» ширкати аъзоси Усмон Инжежик ўғил болалар хусусий лицейини очди.

ЎҚИШ пуллик, кириш имтиҳонлари тест синовлари асосида ўтказиладиган бўлди. Ўқувчилар билим масканида турк, инглиз тиллари, дин тарихи, дунёвий илмлардан сабоқ оладилар.

САРАЛАРИ СИЙЛАНАДИ

ДЕНОВ. Шаҳар ҳокимлиги мактабларда ўқиш ва ўқитишни яхшилашга алоҳида эътибор бераяпти.

ШУ мақсадда кўмак учун бир миллион сўм ажратилди. Бу пулга ўқув қуроллари харид қилинади. Намунали, аълочи ўқувчилар ҳамда яхши самарага эришган ўқитувчилар мукофотланади.

АСТАРЛИК МУЛ БЎЛИШИ ТУРГАН ГАП

ПОП. Нотўқима матолар фабрикаси ишлаб чиқариш бирлашмасига айлантирилди.

ЯҚИНДА асосий бино ёнига болалар кийим-кечаги тайёрлайдиган тикувчилик фабрикалари қўшилди. Қишки кийим учун иссиқ астарлик чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Корхона келгуси йилдан бошлаб астарнинг бошқа турларини ҳам ўзлаштирмоқчи. Ҳозир шу ниятда янги дастгоҳлар ўрнатилаяпти.

РЕСПУБЛИКАДА ЯГОНА

КАТТАҚЎРҒОН. Мева-сабзавотлардан шарбат тайёрлайдиган консерва заводида парҳез ичимликлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозир кунига 2,5 миллион шартли банка ошқовоқ, узум, олма шарбатлари савдо шаҳобчаларига етказиб берилаяпти.

СУРАТДА: Равно Халилова лабораторияда.

ХАЙРИЯ ТЎЙИ ТАНТАНАГА УЛАНДИ

ПОЙАРИҚ. «Ҳалқобод» ижара хўжалиги марказида очилган «Самарқанд» чойхонаси чорвадору дала меҳнаткашларини бағрига чорлади.

МАСКАННИНГ фойдаланишга топширилиш маросими халқободлик мурувватли кишилар ташаббуси билан уюштирилган хайрия тўйига уланиб кетди. Янги келин-қуёвлар — Расулжон ва Дилдорахон, Холдоржон ва Замирахонларнинг никоҳ оқшоми, Ҳайруллажон, Нуриллажон, Акмалжонларнинг суннат тўйи ўтказилди. Вилоят ҳокимлиги бахтиёр ёшларга совғалар, кичкинтойларга, 30 минг сўмдан пул қўйилган омонат дафтарчасини топширди. Хўжалик маъмурияти ёш оилаларга битта-дан сигир берди.

ВОКЕАЛАР

Вазирликда учрашув

13 сентябрь куни Германиянинг Эдцарт Ройтер бошчилигидаги «Даймлер бенц аг» концерни делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида бўлди. Меҳмонларни вазир Ў. Султонов қабул қилди ва жумҳуриятимизнинг бугуйги кундаги ташқи иқтисодий алоқалари хусусида гапириб берди.

Таркибига «Мерседес бенц аг», «Аэрос бенц аг» каби дунёга машҳур тўртта йирик фирмани бирлаштирган «Даймлер бенц аг» концерни раҳбари космонавтика, авиация, автомобиль, темир йўл ва электротехника соҳаларида ўзаро ҳамкорлик қилиш режаларини баён этди.

— Самолётларнинг учиш-қўниш жараёнларида хавфсизликни таъминлайдиган электротехника асбоб-ускуналари, учиш-қўниш майдонини жаҳон талаблари даражасида таъмирлаш, трамвай ва двигателлар ишлаб чиқаришда ўз ҳамкорлигимизни таклиф қиламиз, — деди Эдцарт Ройтер.

Меҳмонлар барча соҳалардаги ҳамкорлик муносабатларини мувофиқлаштириб туришда ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги кўмагига муҳтож эканликларини алоҳида таъкидладилар.

Учрашувда Германиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Карл Хайнц Куна иштирок этди.

(ЎзА).

ЛОЙИҲА МАЪҚУЛЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси давлат таълими стандартларини ишлаб чиқиш комиссиясининг йиғилиши бўлди. Уни мазкур комиссия раиси Н. Юсупбеков бошқарди. Йиғилишда халқ таълими, олий таълим, илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш соҳаларининг етакчи мутахассислари, Соғлиқни сақлаш, Маданият ишлари, Қишлоқ хўжалиги вазирликлари, Давлат спорт қўмитаси вакиллари қатнашди.

Республика халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, Олий ва ўрта махсус таълим вазири Ж. Абдуллаев ва бошқалар йиғилишда сўзга чиқиб, комиссия тайёрлаган давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш тадбирлари лойиҳаси республика Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим ҳақидаги норматив актларни тасдиқлаш ва уларни амалга ошириш чоралари» тўғрисидаги қарорига мувофиқ эканини таъкидладилар. Мазкур лойиҳа маъқулланиб, таълимнинг асосий босқичлари бўйича давлат стандартларини ишлаб чиқувчи ишчи гуруҳлар ва уларнинг раҳбарлари тасдиқланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев қатнашди.

(ЎзА).

Пахта-93

ХАТОЛАРДАН ХУЛОСА ЧИҚАРИБ...

Бухоро вилояти пахтакорлари ўтган йили жумҳуриятда биринчи бўлиб маррага етиб келган эди. 1993 йил пахта мавсуми ҳам бошланиб, вилоят туманларида «Оқ олтин» карвонлари тузилмоқда.

ЎзА мухбири Илҳом Сафар Бухоро вилоят «Пахтасаноатсотиш» акционерлик бирлашмаси раиси Р. Отақулов билан янги мавсумга тайёргарлик хусусида суҳбатлашди.

— Ризоқул ака, пешона тери, қалб қўри билан ҳосил етиштирган деҳқон йил охирида пахта навининг сифати масаласида сиз раҳбар бўлган идорага эътироз билдиради. Чунки бу моддий манфаатдорлик билан боғлиқ-да...

— Ўтган йили вилоятимизда 368,8 минг тонна пахта етиштирилди. Унинг 31,3 фоизи биринчи, 42,5 фоизи иккинчи, қолгани 3—4 навни ташкил этди. Пахта тозалаш заводлари ва қабул пунктларимизда «оқ олтин»ни авайлаб-асраш, сифати бузилиб, паст навларга ўтишининг олдини олиш учун барча тадбирлар муттасил амалга ошириб турилди. Паст навли пахталар ноябрь—декабрь ойларида қайта ишланиб, улардан сифатли тола ва бошқа маҳсулотлар олишга эришилди.

— Ўтган йили қайси пахта заводида ёки пахта қабул пунктида хўжасизлик ҳоллари рўй берди?

— Тўғри, ютуқларимиз соясида баъзи хато ва камчиликлар ҳам бўлди. Масалан, Коровулбозор туманидаги пахта қабул пунктимизда 13,3 минг тонна пахта тайёрланди. Аммо уни асраш ишлари эътибордан четда қолиб, декабрь ойининг охиригача пахта ғарамлари брезент билан ёпилмади. Натижада тайёрланган пахта қор-ёмғир остида қолиб, нави бузилди. Хўжаликларга иқтисодий зарар етди. Албатта, мутасадди шахслар жазоланди. Лекин бу ягона ҳол эмас. Шунга ўхшаш камчиликларга йўл қўйган Бухоро, Ғиждувон, Пешку, Раҳша пахта заводи ва қабул пункти ходимлари — Х. Саидов, З. Ғуломова, С. Исаев, Ҳ. Нарзиев ва Т. Тоҳиров вазифаларидан четлаштирилди.

— Завод ва пахта қабул пунктларининг ҳаммаси ишга шайми?

— Вилоятимиздаги жами 7 та пахта тозалаш заводи, улар қошидаги 34 та пахта қабул қилиш пункти янги мавсумга шай. Тарозилар, лаборатория жиҳозлари давлат назорати кўригидан ўтказилиб, ҳужжатлаштирилди.

Корхоналаримизда қўшимча 34 лона чанг тутгич ўрнатилди. Бу тадбир атроф муҳитга тарқаладиган чангни камайтириш имконини беради. Нарх-навонинг ўсиши, материаллар етишмаслиги капитал қурилиш соҳасига таъсир ўтказмоқда. Аммо, қийинчиликларга қарамасдан, Ғиждувон пахта тозалаш заводида чигит сақлаш омбори ҳамда 90 ўринли болалар боғчаси, Қоракўл пахта тозалаш заводида 400 ўринли маданият саройи, Когон пахта тозалаш заводи ишчилари учун 5 та кўп квартирали уй қуриб бердик.

Суҳбатимиз сўнгида шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, республика Вазирлар Маҳкамасининг «1993 йил пахта ҳосили йиғим-теримига тайёргарликни тугаллаш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажара бориб, бирлашмамизга қарашли корхоналар етиштирилган ҳосилни узлуксиз қабул қилиш, уни авайлаб асраш, сифатли қайта ишлаб, истеъмолчиларга етказиб бериш учун барча имкониятни ишга соладилар.

Шоробод туманидаги В. Қодиров номли жамоа хўжалиги пахтакорлари бу йил қар гектар ҳисобига 32 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилишган. Шу кунларда далаларга торим машиналарини олиб чиқишнинг тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилмоқда. 72 та торим машиналари, таъмирлаш ва ёнилғи мойлаш бригадалари тузилиб, транспорт-тележкалар қозирлаб қўйилди. Торим техникалари даланинг ўзида синлаб кўрилаяпти.

СУРАТДА: (чапдан) Хўжалик бош ҳисоботчи Турсоной Чорнова, бошқарув раиси Ғиёр Мамаражабов, бўлим бошлиғи Пайғам Хусанова ўз машина теримига ажратилган пахтазорда.

А. ХУЖА Ёв олган сурат. (ЎзА).

• *Долзарб мавзуда суҳбат*

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ БОСҚИЧИ ЯҚИНЛАШМОҚДА

Иқтисоднинг муҳим хусусияти шундаки, у доимий ўзгаришда бўлиб, бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиб туради. Бу жараён эса асосан инқироз, турғунлик, жонланиш ва юксалиш каби қисмлардан иборатдир. Шу нуқтаи назардан қаралса, ҳозир Ўзбекистон иқтисодиёти қайси босқични бошдан кечираётгани кўпчиликни қизиқтирадиган масала эканлиги равшан.

Жаҳоннинг айрим иқтисодий ташкилот ва экспертлари ҳамдўстлик давлатлари бугун ўта оғир иқтисодий инқироз жараёнини ўтказмоқда, деб жар солаётир. Улар ҳамдўстлик деб аталмиш ибора бир бутун, яхлит давлатни эмас, балки иқтисодий ҳаёти бир-биридан сезиларли фарқ қиладиган мустақил давлатлардан ташкил топганини баъзан назардан қочирадилар. Эҳтимол, чет эллик экспертларни айблаш ноўриндир. Чунки уларнинг бир қисми собиқ СССР ҳудудидаги ҳар бир давлат иқтисоди тўғрисида аниқ тасаввурга эга эмас, бошқалари эса айрим мустақил давлатларни бор-йўғи 2—3 кун ичида «Пухта ўрганиб», шошилинч хулосалар чиқаради.

1993 йилнинг 8 ойи иш якунлари Ўзбекистоннинг ҳамдўстлик давлатлари ичида биринчи бўлиб иқтисодий танглик палласидан чиқа бошлаганини ва иқтисодий ҳаётнинг асосий соҳаларида барқарорликка эришиб, кўп кўрсаткичлар бўйича жонланиш, баъзан эса ҳатто иқтисодий юксалиш куртаклари намоён бўлаётганини кўрсатмоқда. Фикримизнинг исботи сифатида масаланинг қуйидаги жиҳатларига эътиборингизни тортмоқчимиз.

Ривожланган мамлакатларда ортиқча ишлаб чиқариш иқтисодий таназзул пайдо бўлишининг муҳим сабабларидан бири ҳисобланса, собиқ социалистик жамиятда иқтисодий тақчиллик, яъни маҳсулотни керагидан кам ишлаб чиқариш ана шундай оқибатга олиб келди. Шуни эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистонда асосий маҳсулот турлари бўйича шўролар даврида турли сабабларга кўра баъзан билиб, баъзан билмай келтириб чиқарилган тақчилликни бартараф этиш борасида муҳим ва залворли қадамлар қўйилмоқда. Ялпи ички маҳсулот ҳажмининг қисқариш суръатлари мамлакатимизда шу йил мобайнида аста-секин камайиб борди ва июль-август ойларига келиб пасайиш жараёни тўхтади. Ярим йилликнинг сўнгги ойларида баъзи тармоқларда ўтган йилнинг шу муддатида эришилган натижаларга нисбатан ўсиш ҳоллари юз бера бошлади. Шу йилнинг июль ойида эса саноат маҳсулоти ҳажми 1992 йилнинг июль ойидагига нисбатан 11 фоиз ошди. Бу кўрсаткич таққослама нархларда ҳисобланган. Қарангки, худди шу июль ойида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг июлига нисбатан 12 фоизга кўпайди.

Иқтисодий жонланиш юз бераётганини ифодаловчи яна бир муҳим далил давлат бюджети камомадининг бартараф этилиши, яъни даромаднинг харажатлардан устунлигига эришиш билан бевосита боғлиқдир. Тан олиш керакки, ҳамдўстлик давлатлари ичида камомадсиз бюджетга эришиш ҳозирча фақатгина Ўзбекистонга насиб этди. Ҳамдўстликнинг бир қанча давлатларида, хусусан, Россия Федерациясида 1993 йилги давлат бюджети харажатлари даромадлардан деярли бир ярим-икки баравар ошиб кетмоқда.

1993 йил иқтисодиётининг муҳим белгиларидан яна бири шундаки, Ўзбекистон халқ хўжалигининг асосий тармоқларида қурилиш ишлари қайтадан жонлана бошлади. Бу ўринда ислоҳотларнинг боришига бевосита таъсир этадиган энг йирик иншоотлар номини санаб ўтишнинг ўзи кишини ҳайратга солади. Кўкдумалоқ ва Мингбулоқ конларида ўзлаштириш ишлари жадаллик билан давом этмоқда, Андижон ва Хоразмда автомобиль заводлари, Қоровулбозорда нефтни қайта ишлаш, қизилқумда фосфорит корхоналари барпо этилмоқда, Муборак газни қайта ишлаш, Навоий кон-металлургия, янги Ангрен ва Толимаржон ГРЭСларининг иккинчи ва учинчи навбатлари қурилишти.

Мамлакатимизда қурилиш ишлари фақатгина ишлаб чиқариш тармоқлари билан чекланиб қолмаётгани қувончлидир. Мактаб, боғча, турар-жой, олий ва махсус ўқув юртлари бинолари қуриш давом этмоқда, тарихий обидаларни тиклаш ва таъмирлаш ишларига қўшимча маблағ ажратилмоқда. Мисол сифатида буюк бобомиз Амир Темур ҳайкали ва «Туркистон» театрининг очилиши, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарларда амалга оширилаётган таъмирлаш тадбирларини айтиш мумкин. Мирзо Улуғбек, Баҳовуддин Нақшбанд, Мирзо Бобур каби буюк аждодларимизни ҳотирлаш, қадриятларимизни тиклаш мақсадида улар шаҳси билан боғлиқ тарихий бинолар таъмирлаимоқда. Мустақиллигимизнинг икки йиллиги байрами буюк давлатларга хос улуғворлик билан ўтди. Зеро, бундай тадбирларни амалга ошириш учун аввало молиявий имконият ва қолаверса, давлатнинг ёруғ келажагига ишонч керак.

Иқтисодий соҳада асосий вазифа қилиб миқдорий кўрсаткичларнигина эмас, балки сифат кўрсаткичларини ҳам яхшилашга эришиш масаласининг қўйилиши ва бу борада ишчил сиёсат ўтказилаётгани иқтисодий жонланиш юз бераётганининг яна бир муҳим белгисидир. Масалан, ўтказилаётган тадбирлар самараси ўлароқ мамлакатимиз хомашё давлатидан тайёр маҳсулот чиқарадиган ўлкага айланиб бормоқда. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида тайёр маҳсулот улуши 3—4 йил олдинги 37—40 фоиздан бугун 61 фоизга кўпайди. Яқиндагина пахта толасининг 7—8 фоизигина ўзимизда қайта ишланар эди. Энди эса бу кўрсаткич 16,5 фоизга етди. Шундай ижобий ўзгаришлар хомашёнинг барча асосий турлари бўйича юз бермоқда.

Мамлакатимизда шу кунгача мавжуд бўлмаган бир қанча янги тармоқлар ташкил этилмоқда ва улар ҳозирдаёқ маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Жумладан, автобуслар, «Ил—114» самолётлари, автомобиллар, радиоприёмниклар, видеомагнитафонлар, автомобиль шиналари, кичик ҳажмдаги қишлоқ хўжалиги техникаси, сув радиаторлари каби ўнлаб турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, бундай маҳсулотлар Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳаётига дадил чиқиб боришида муҳим кўприк бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон иқтисодиёти изчиллик билан юксалиш палласига қириб бормоқда. Буни қуйидаги кўрсаткичлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. 1993 йил давомида халқ истеъмол моллари, нефть, газ каби бир қанча маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўтган йилги даражадан муттасил кўпайиб бормоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиш босқичлари ҳақида фикр юритаётганда юқорида таҳлил этилган рақамлар маъзини чақиб кўрилса фойдадан холи бўлмайди.

Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.
(ЎзА).

СЕРГАК БОЖХОНАЧИЛАР

Баҳористон тумани билан Туркманистон давлати оралиғидаги «Кўкдумалоқ» божхона пости ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Қисқа вақт ичида божхона ходимлари юзлаб тартиббузарликларни аниқладилар ва давлатимизнинг миллионлаб сўмлик товарларини сақлаб қолдилар. Баҳористон туманидаги чегарада ҳозир 4 та божхона пости мавжуд. Уларда 28 та ходим ишламоқда.

1 июндан шу кунгача шу божхона постларидан четга чиқарилаётган 250 миллион сўмликдан ортиқ халқ истеъмол моллари ушлаб қолинди.

СУРАТЛАРДА: «Кўкдумалоқ» божхона постида текширув; божхона ходимлари (ўртада) Бекмурод Қодиров, Холмурод Ибрагимов (ўтирган) ва Шавкат Пардаевлар чегарада.

Ш. ШАРОПОВ олган суратлар.

Жаҳон 24 соат ичида

МОСКВА. «Россия билан Туркия ўзаро ҳамкорликнинг янги саҳифаларини очди», — деди Туркия ҳукумат раҳбари Тансу Чиллер Хоним Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин билан Кремлда бўлган учрашувдан сўнг. Бош вазирнинг таъкидлашича, деб хабар беради РАТА-ТАСС мухбири, учрашув доғида икки томонлама муносабатлар, шунингдек, жаҳондаги вазият тўғрисида гап борган.

Бундан ташқари, Тансу Чиллер хоним Россия Бош вазири Виктор Черномирдин билан бўлган музокарани ҳам юқори баҳолади. Учрашувда Бош вазирлар асосан иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар.

* * *

ЕРЕВАН. Арман қуролли кучлари тез орада ҳужумни тўхатиб, Озарбойжон ҳудудини ташк этади. Эрон миллий ахборот агентлигининг хабарига қараганда, Арманистон Президенти Левон Тер-Петросян Эрон Президенти Али Акбар Ҳошимий Рафсанжонига телефон орқали шу ҳақда гапирган.

Маълумки, Теҳрон ўз чегараси яқинида бўлаётган босқинга эътиборсиз қарай олмаслигини айтиб Ереванни бир неча бор огоҳлантирган эди.

* * *

СУХУМИ. Сухумидаги вазият барқарорлашмоқда. БМТ кузатувчиларидан иборат бирлашган комиссия вакилларининг ҳисоботи шундан дарак беради. 8 сентябрдан буён зиддиятли ҳудудда осойишталикни бузадиган бирор корҳол бўлмаган.

Шаҳар кўчалари ҳам тобора гавжумлашмоқда. Айрим корхоналар, жамоа транспорти ишга тушди. Шаҳарга электр энергия ва ичимлик сўви узатилянти. Олий ўқув юртларида машғулотлар бошланди, мактаб ўқувчилари эса 20 сентябрдан дарсга қатнайдилар.

* * *

САНКТ-ПЕТЕРБУРГ. «Смена» газетасининг ёзишича, Петербургнинг 83-сон мактабида илк бор япон тилини чуқур ўргатадиган бешта синф очилди. Яponнянинг барча умумтаълим даргоҳлари каби энди мазкур мактаб ҳам ўз номига эга бўлди. Яъни, у «Атиргул» деб аталди. Бундан ташқари мактабнинг ўз мадҳняси ва гул билан турна акси тушнрилган нишони ҳам бор.

* * *

ВАЛЮТА инқирозига қарамасдан янги Европа учун ҳаракат муваффақиятли давом этмоқда. Франция Президенти Франсуа Миттеран Сеулга қиладиган сафари олдидан Жанубий Корея журналистлари билан учрашувда шу фикрни алоҳида таъкидлади. Франция давлати раҳбари Европа қитъасидаги барча демократик давлатлар кейинчалик ана шу жараёнга қўшилади, деб ишонч билдирди.

* * *

ФРАНЦИЯ Марказий Осиё республикалари билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга интилмоқда. Шу мақсадда 16-17 сентябрь кунлари Франция Президенти Франсуа Миттеран Алматига ташриф буюради. Бу ҳақда Франция Президентининг расмий вакили Ж. Мознтелли хабар берди.

* * *

БИРЛАШГАН Миллатлар Ташкилотида Сомалидаги вазиятни барқарорлаштириш г а кўмаклашувчи норасмий гуруҳ ташкил этилди. Унга 14 мамлакат аъзо бўлди. Бу гуруҳда Миср, Эфиопия, Франция, Германия, Ҳиндистон, Италия, Япония, Малайзия, Марокко, Нигерия, Покистон, Россия Федерацияси, Америка Қўшма Штатлари ва Зимбабвенинг элчи ва доимий вакиллари бор.

• *Ўзбекистон—Аргентина:*

КАТТА ЙЎЛ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ҲАҚИДАГИ ПРОТОКОЛ ИМЗОЛАНДИ.

Ўтиб бораётган ҳар бир кун мустақил Ўзбекистон учун унутилмас тарихга айланмоқда. Яқинда жонажон ўлкамиз ўзининг истиқлол тўйининг икки йиллигини кенг нишонлади. Бу тарихий сана тантанаси, нафақат республикада, балки бутун жаҳон аҳли ва жамоатчилиги ўртасида катта шов-шувга айланди.

Ҳамюртларимиз қатори бевосита истиқлолимиз шодиёнасига ташриф буюрган кўпчилик хорижлик меҳмонлар бу ҳақдаги таассуротлари, фикру мулоҳазалари ва хулосалари билан оилалари даврасида, дўстларию меҳнат жамоалари ўртасида батафсил сўз юритмоқдалар. Ўзбекистон қудратига, мустақиллик кунини бутун республикамиз аҳли бир тану бир жон бўлиб ўтказганига таҳсинлар айтмоқдалар.

Бу гапларнинг ҳаммаси кечаги кунимиз воқеаларидир. Бугуигн Ўзбекистонимизнинг сиёсий ҳаётида нима гап? Бир сўз билан айтганда, диёримизнинг бугунги куни кечагидан, эртаси бугунидан бой ва сермазмундир. Мазкур фикрлар исботини республика истиқболини таи олиб Ўзбекистон билан дипломатик муносабатларни ўрнатиш ва шу улуғ ниятлар сари ҳаракат қилаётган бир қатор дунё давлатлари мисолида яққол кўриш мумкин.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистон Республикаси билан дипломатик муносабатларни йўлга қўйган давлатлар сони яна биттага кўпайди. Улар сони 70 тага етди. Бу Жанубий Америкининг Жануби-шарқида жойлашган Аргентина давлатидир.

Фурсат баҳона Ўзбекистоннинг яқин дўст давлатларидан бири Аргентина давлати ҳақида бир-икки оғиз сўз.

Унинг территорияси 2,8 миллион квадрат километр, аҳолиси 31 миллион киши. (1986) Аргентинада асосан асли испанияликлар, италияликлар ва Марказий Европаликлар авлодлари яшайди. Пойтахти — Буэнос-Айрес. Давлат тили — испан тили. Аҳолининг кўпчилиги католик динига эътиқод қилади. 1816 йил 9 июлда Аргентина мустақил давлат деб эълон қилинди. Аргентина Федератив республика (22 провинция, бир миллий территория ва 1 федерал пойтахт округини ўз ичига олади). Конституцияга биноан қонун чиқарувчи олий ҳокимият органи — миллий конгресс (депутатлар палатаси ва сенат), ижроия ҳокимият Президент кўлидадир.

Аргентина — Лотин Америкасининг иқтисодий жиҳатдан энг тараққий этган мамлакатларидан биридир. Пул бирлиги — австраль. Чет элга асосан дон, гўшт, жун, вино, меналар қайта ишлаш саноати маҳсулотлари чиқарилади; чет эллардан машиналар, асбоб-ускуналар, ёнилғи-химия товарлари, электр станциялари учун ускуналар сотиб олинади.

9 сентябрь куни Аргентина Республикасининг Россия Федерациясида жойлашган элчихонасига қарашли қароргоҳида ҳар иккала давлат — Ўзбекистон-Аргентина ўртасида тарихий ҳужжатни имзолашга бағишланган расмий маросим бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси ва Аргентина Республикаси ўртасидаги дипломатик муносабатларни ўрнатиш ҳусусидаги протоколни Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ва топшириғига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Юсуф Абдуллаев, Аргентина Республикаси номидан Аргентина давлатининг Россия Федерациясидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Хуан Карлос Олима тантанали равишда имзоладилар.

Протоколни имзолашгач, ҳар иккала давлат вакиллари яъни элчилар бир-бирлари билан фикр алмашиб, мамлакатларидаги юз бераётган ўзгаришу янгиликларга муносиб баҳо бериб ўтдилар. Айниқса, Аргентина давлатининг Москвадаги элчиси Ўзбекистонинг яқинда бўлиб ўтган мустақиллик тантаналарига юқори баҳо берди. Президент И. А. Каримов олиб бораётган оқилона сиёсат алоҳида ва фахр билан тилга олинди.

Протоколни имзолаш расмий маросими дўстона вазиятда ўтди. Бунда ҳар иккала мамлакатнинг Россиядаги элчихоналари масъул ходимлари ҳозир бўлдилар.

Ўзбекистон билан Аргентина ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари катта йўл сари қадам қўйди.

Ф. ПАРПИЕВ.
Москва шаҳри.

• *Йўқолсин иллатларимиз...*

ҚАЧОН ТАРК ЭТАСАН БИЗНИ, ЛОҚАЙДЛИК?!

Қадр-қиммат, одамийлик ҳақида гапириш бугунги кунда одатий ҳолга айланиб қолди. Бироқ инсон умри эгови бўлган лоқайдлик ҳам ҳозирча жисмимизни тарк этгани йўқ.

Яқинда, тўғрироғи шу йилнинг 7 август куни зарур иш билан республика кўз касалликлари шифохонасига борган эдим. Ишим битгач, касалхонанинг шундоққина орқа тарафидаги 65, 59 автобуслар тўхтайдиган бекатга келдим. Ҳаво иссиқ бўлганлиги боис, бекатдан 30 қадамча узоқликда (лойиҳалаш институти кираверишида) учтўрт аёл ўтирган ўриндиқ томон юрдиму бирдан... ерда узала тушиб ётган 35—40 ёшлар чамасидаги кишига кўзим тушиб қўрқиб кетдим. Ўриндиқдаги аёллар беэътибор суҳбатлашиб ўтиришарди.

— Бу одам мастмикан? — дея сўрадим аёлларнинг биридан.

— Йўқ, тутқанғи бор шекиллн. Икки соатдан буён ётибдн.

— Балки ўлиб қолгандир?

— Йўқ, ўлмаган. Шу ерда ўтирганди, бирдан «э, худойимей, э, худойимей» деб ўзининг у ёқ, бу ёғига урди-да, бирдан йиқилиб тушди. Шу бўйи ётибди.

— «Тез ёрдам»га қўнғироқ қилмадингларми? — сўрайман.

— 65-ни кутиб турибман. Менга нима...

Лойиҳалаш институтига кирдиму, қоровул ўтирган хонадан нажоткоримиз — «03»га сим қоқдим. Гўшакдан аёл кишининг овози эшитилди. Вазиятни тушунтирдим.

— Адрес.

— Зиёмов кўчаси экан. Қорақамиш 2/1. Республика кўз касалликлари шифохонасининг орқа тарафида.

— Беморнинг ёши. Балки мастдир.

— Йўқ, маст эмас. 35—40 ларда. Кўринишидан тартибли одамга ўхшайди.

— Фамилияси?

— Билмайман. Сизга тушунтирдим-ку.

— Телефон?

— Қанақа телефон?! Мен бекатда сизларни кутиб тураман. Илтимос, ёрдам беринг!

У кутиш ёки кутмаслигимни хабар қилмай, гўшакни қўйди. Мен эса умид билан бир соатча кутдим. Бемор ҳушига келиб, уйқуга кетгач, соат 13.30ларда у ердан кетдим. Кетаяпману йиғлагим келади. Икки соатдан зиёд вақт бемор ҳолатини таъриф қилиб турган йўловчилардан ҳам, минг тавалло қилганингизга қарамай, телефонда жонсиз робот сингари муомалада бўлган ва бир соатга яқин вақт давомида ҳам «тез ёрдам» юбормаган ўша шифокор аёлдан ҳам нафратланиб кетдим. Лоқайдлик деган иллат бизнинг қон-қонимизгача сингиб кетганидан ўкиндим. Қачон тарк этасан бизни, лоқайдлик, деган нидо бўғзимда қотиб қолгандек бўлди. Тарк этармикан...

М. ТОЖИЕВА.
Тошкент шаҳри.

• *Баҳс*

«ҒАЛАТИ МАШҲУР»НИ ҚЎПАЙТИРМАЙЛИК

«Ғалати машҳур» ибораси анчайин машҳур эса-да, уни баъзи кишилар биринчи бор учратаётган бўлишлари мумкин. Шунинг учун гапни ибораниг маъносини изоҳлашдан бошладик. Ибора таркибидаги «ғалат» сўзи «хато», «нуқсонли» маъноларини англатади. Сўз охиридаги «н» форсий изофадир. «Ғалати машҳур» дегаида, кенг ёйилиб, оммалашиб, машҳур бўлиб кетган ном, нарса ё тушунчалар англашилади. Нотўғри шаклга кирган, бузилган бундай ном ва тушунчалар шу қадар машҳурлашиб кетиб қоладики, неча қайта илмий исботлар билан ҳам уларнинг аслиятини тиклаш, омма онгига ўрнашган нуқсонли шаклини ислоҳ этиш душвор кечади. Ғалати машҳур — машҳур хатолар гўё давлат идоралари тасдиғидан ўтиб, расмий ҳужжат мақом олгандек, жамоатчилик тасаввурида алдамчи таассурот туғдиради. Шунинг таъсирида уларни тузатишга журъат ва қатъият топилмайди.

Алишер Навойи тахаллусининг «Навоий» шакли ана шундай ғалати машҳурларнинг яққол мисоли. Унн тузатиш нақадар мушкул кечаётганидан жамоатчилик бохабар. Бундай машҳур хатоларни кўплаб келтириш мумкин. Бу ўринда гап, уларни тузатиш шунчалар қийин экан, эндиликда кўпайтиришдан сақланиш ҳусусида.

Она тилимиз давлат мақомига эришгач, адабий, бадиий, мақоланавислик услубларида лисоний изланишлар қизғин тус олди. Бу борада ижобий ютуқлар билан биргаликда, янги нуқсонларни келтириб чиқараётган, ғалати машҳурни кўпайтираётган тажрибалар ҳам бор. Бир неча йил муқаддам, шоир Шавкат Раҳмон «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасида «Мафия» сарлавҳали мақола эълон этди. Унинг ўзига хос бир хусусияти шу эдики, муаллиф унда бадиий санъат қўллаган, сарлавҳада сўз ўйини яратган эди. Сарлавҳадаги «Мафия» сўзининг «а», «ф» ҳарфлари орасига, гўё тузатилгандек, «х» ҳарфи жойлаштирилган, натижада, айни ўриннинг ўзида сарлавҳанинг «Махфия» шакли ҳам мужассамлашган. Ушбу усул шундай бадиий кўпмаъноликка хизмат қилган эдики, «Мафия»дан мақолага келишига доя бўлдилар. Энди «Махфия»нинг «х»сига дум қўйиб, «Маҳфия» деб ёзиш ғалати машҳурнинг «олий» намунасига айланди.

Жамоатчиликда шундай ғалати феъл борки, баъзан бир одам жон қуйдириб муайян хатони тузатишга саъй-ҳаракат қилса, уни якдиллик билан қўллаб-қувватламайди, баъзан эса бошқа бировнинг бир оғиз сўзи билан тўғри нарсани ёппасига хатога айлантириб юборади. Баҳовуддин Нақшбанднинг таваллуд тўйи муносабати билан бошланган мақоланависликда бир донишманд пешқадамлик қилиб, матбуот саҳифаларидан бирида: «Нақшбанднинг номи уч хилда — Баҳовуддин, Баҳоваддин, Баҳоуддин — ёзилиб келинмоқда. Энди бунга чек қўйиш керак. Асли, Баҳоуддин ёзилиши тўғри, ҳамма жойда шундай ёзилсин», деган фикрни илгари сурди. Шундан ҳамма нашрлар, ҳеч бир мулоҳаза қилиб ўтирмай, Баҳоуддин ёза бошлади. Энди бир ўйлаб кўрайлик. Тўғри, араб тили нуқтаи назаридан Баҳоуддин ёзилади. Бироқ биз ўзбекларимиз ва ҳозирги ўзбек тилида сўзлашамиз. Ўзбек тилининг талаффуз қонуниятларини ҳисобга олмаймизми? Ахир, икки унлини ёнма-ён (оу) айтиш ўзбек тилининг талаффуз табиатига тўғри келмайди. Ўзбекни Баҳоуддин дейишга мажбур этиш тилда китобийлик ва суниийлик касалини қўзғатади. Шунинг учун халқимиз табиий равишда иккн унли ўртасига «в» ундошини қўшиб, Зиёвуддин, Оловуддин сингари, Баҳовуддин дейишга одатланган. Арабий сўзнинг маъно ва оҳангини бузмас экан, халқчил талаффузга таянган маъқул.

Улуғ мутасаввуф файласуф Баҳовуддин Нақшбанд таълимотидаги «Дил ба ёру даст ба кор» ғояси ҳозирги замон ўзбек мафкурасининг асосий шиорларидан бирига айланиб бормоқда, Бу фахрли ва қувонарли ҳолдир. Лекин ушбу ҳикматни-да, ҳуда-беҳуда ишлатавериш, қадрсизлантириш инсофдан эмас. Бунга ҳам чидаса бўлади. Бироқ ҳикмат маъносини суиистеъмол қилган ҳолда, бирёқлама шарҳлаб ё ўгириб, шаклини тескари айлантириб қўллаш энди Қуръони Карим оятлари ва Ҳадиси Шариф пандномаларини бузиб талқин қилишдек гуноҳ. «Туркистон» рўзномасининг шу йил 17 июнь сонидаги «Аросат саболи» мақоласида шундай жумлани ўқиймиз: «Албатта, ҳар бир мусулмон оиласида асрлар давомида қарор топган Баҳоуддин Нақшбанднинг «Даст ба кору, дил ба ёр» тариқати муқаддас ислом илми алифбосини тез ўзлаштиришимизда қўл келади». Моҳиятан, маърифатпарварлик руҳида ёзилган (бу ютуғимиз, албатта) ушбу жумла бир неча маъринфатсизлик қусурларига эга: 1. Жумла услубан ғализ тузилган. Таҳрирга муҳтож. 2. «Дил баёру даст ба кор» ғояси фақат Баҳовуддин Нақшбандга нисбатан берилиши тўғри эмас. У бутун бошли нақшбандийлик таълимотига таллуқли. Бу таълимотнинг илк асосчиси эса Абдуҳолиқ Ғиждувоний, 3. Ушбу ҳикматни тариқат деб аташ ҳам хато. Тариқат — йўл, маслак, мазҳаб каби кенг тушунча. 4. Ҳикмат шакли терс ўгириб қўлланган.

Яқиндан бери Бухородаги Тиллакори масжидини матбуотда «Тиллақори» шаклида галат ёзиш урф бўлди. Бу ҳам газетхонларда иморатни Тиллақори исмли киши қурган ё иморат Тиллақори исмли кишига бағишлаб қурилган, деган ёлғон тасаввур ҳосил қилади. Ҳолбуки, Тиллакори — «тилла» (олтин) ва «кор» (иш) сўзларидан тузилган бўлиб, иморат тилла моддаси ишлатиб қурилганлигини билдиради.

Ҳунармандлик авж олганидан буён матбуотда «гилямбоб», «гиламдўзлик» сўзлари учрайдиган бўлиб қолди. «Гиламдўзлик» даги «дўз» форс-тожикча «дўхтан» — «тикмоқ» феълининг ҳозирги замон ўзаги дир. Гилам бўлса тикилмайди, тўқилади. «Тўқимоқ» феълининг форс-тожикчаси «бофидан» бўлиб, унинг ҳозирги замон ўзаги «боб» эмас — «боф», демак, сўзнинг тўғри — саҳиҳ шакли «гиламбоф» ёзилмоғи жоиздир.

Азиз биродарлар, она тилимиз қайта тикланаётган, тозараётган бир замонда, бор ғалати машҳурларни тузатолмаётган шаронтимизда тил бойликлари нафосатига эҳтиёткорлик, лисоний фаросат билан ёндошайлик, Давлат тилимиз нуфузини ғалати машҳурлар нуқсидан муҳофаза этайлик.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА,
Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт илмгоҳининг катта илмий ходими.

ХАЛҚ СЎЗИ – ҲАҚ СЎЗ

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ – ХАЛҚИМИЗНИНГ ИЗЗАТИНИ ЖОЙИГА ҚЎЙИШ

● АВГУСТ ОЙИДА «ХАЛҚ СЎЗИ»ГА 262 ТА ХАТ КЕЛДИ.

● УЛАРДАН 43 ТАСИ ШИКОЯТ ВА АРЗНОМАДИР. БУ ШИКОЯТЛАР ҲОЗИРДА МАХСУС МУХБИРЛАРИМИЗ ВА ТЕГИШЛИ МУАССАСАЛАР ТОМОНИДАН ЎРГАНИЛМОҚДА.

● ҚОЛГАН 219 МАКТУБНИНГ 136 ТАСИДАН ГАЗЕТАМИЗ САҲИФАЛАРИДА ФОЙДАЛАНДИК.

• *Қонун барчага баробар*

ТАЛВАСА

Ўйламай ташланган қадам ҳам оғизни, ҳам бурунни қонатади. Участка инспектори Камол Кенжаевнинг жиззакилиги, қўлига эрк бериши қимматга тушди. Ун гулидан бир гули очилмаган йигит ноҳақлик қурбони бўлди. Унинг қали оғзидан она сути катмаган гўдаклари полапонлардек чирқираб қолдилар. Жиноятчининг бир этак фарзанди эса бошлари эгик, кўзлари нам...

Ўша куни Камол Кенжаев хизматдан сўнг ҳамкасблари билан Хонобод паррандачилик фабрикасида тўпландилар. Иссиқ-совуқ дегандай, дастурхон ёзилди, ичимлик ҳам бўлди. Кейин жиноят қидирув бўлимининг катта инспектори Расул Ғуломов, терговчи Фарҳод Эргашев, шофёр Алишер Ашуров ҳамда Камол Кенжаев район ички ишлар бўлими томон йўл олишди.

Атрофга оқшом чўккан. Ички ишлар ходимлари Дардоқ қишлоғида тўхташди. Йўл четида «Запорожец» автомашинаси турар, унинг ёнида, тенгқур икки йигит гаплашаётганди. Р. Ғуломов автомашина ичини кўздан кечирди. Уч нафар йигит мудраб ўтирарди. Яширмаслик керак — улар куй бўйи ишлашган, «томоқларини бироз ёрлаб» ҳам олгандилар. Камол Кенжаев автомашина ёнида суҳбат қураётган Абдумўмин Қирғизбоев ҳамда Одилжон Рўзиматовни сўровга тутди.

— Бемаҳалда... пишириб қўйибдими, нима қилиб турибсан?

Дағал гап уларга оғир ботди.

— Сал пастроқ тушинг, — унинг сўзини бўлди Абдумўмин.

— Хўш, бошқачароқ бўлса инма қиласан? — участка инспекторининг жаҳди чиқди.

— Биз ҳам ердан чиққан қўзиқорин эмасмиз-да.

Миршаб йигитлардан бундай жавобни кутмаган экан, шекилли, ловуллаб кетди:

Ҳақорат юракларни тешиб ўтди чоғи, Абдумўмин ҳам шунга яраша жавоб қилди. Эҳ-е, мундирдаги кишини сўкиш ўйл бўлсин!? Сиркаси сув кўтармайдиган миршаб Абдумўминга яқинлашди. Кейин икки ўртада даҳанаки жанг бошланди.

— Тирранча, қани машинага юр, сен билан керакли ерда гаплашамиз.

Инспектор йигитни машина томон судради. Гапнинг очиғи — миршаб Абдумўмининг тавбасига таяниб, ялиниб-ёлборишини кутганди. Лекин... Ёқа йиртиш бошланди. Бири иккинчисига мушт отди. Унисе эса жавоб қайтарди. Лекин ўзига нисбатан гавдали миршабга бас келиш қаёқда... Абдумўмин шудгор томон қочди. Бетон ариқдан сакраётганда... Ҳамма фожиа ўшандан бошланди. Орқама-орқа қувлаётган участка инспектори уни босиб тушди. Устма-уст тепкилаш бошланди.

Одам одамга бўри эмас. Лекин ёрдамга зорланаётган йигитнинг ноласи Камолнинг қулоғига кирмасди:

— Жон ака, ёрдам синди. Раҳм қилинг...

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлганди. Аммо...

Кутилмаган ҳолатдан қапалаги учиб кетган йигитларга Камолнинг биргина имо-ишораси кифоя қилди. Улар Абдумўминни машинага жойладилар.

Воқеа содир бўлган жойдан Дардоқ қишлоғи шифохонаси бир қадам. Азобда тўлғонаётган йигитни касалхонага олиб бориш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиши лозим эди. Лекин «Қассобга ёр қайғуси» қабилидаги иш бўлди. Улар жиноят ҳиди келиб турган хатти-ҳаракатни ўз фойдасига ҳал этишга интилдилар. Шу боис ҳам 20—22 километр узоқдаги туман марказий шифохонаси мўлжалга олинди. Эмишки, улар ҳаво чақиргич орқали «Тез ёрдам»ни туман ички ишлар бўлимига келишини тайинлаган эканлар.

Бўлимда ўзгача ҳол юз берди. Миршаблар жабрдийданинг оғайниларини ичкари етаклашди. Темирни иссиғида бос деганларидек, дўқ-пўписа асосида баёнотлар олинди. Тазйиқ остида ёзилган тушунтириш хатларида улар йўлнинг ўртасида ўтирганлар, кейин миршабларни ҳақорат қилишган эмиш. Абдумўмин бўлса бетон ариқдан йиқилиб ўз айби билан оёғини синдириб олган.

Ичкарида югур-югур, расмиятчилик... ташқарида бир аҳвол. Қаровсиз қолган йигит минг азобда жон қийноғига тушганди. Инграр, зорланар. Лекин унинг оҳини тинглайдиган қайда? Сичқонинг уйини минг танга билганлар ҳужжатлардан «қалқон» тайёрламоқчи бўлишарди.

Юз берган қўнгилсизликдан хабар топган жабрдийданинг акаси Тоҳир Аҳмедов ички ишлар бўлимига етиб келди. Укасининг азоби унинг қўнглини вайрон қилди. Ялинди, ёлворди, бўлмагач, овозини баландлатди, укасини унга бермадилар. «Тез ёрдам» чақирилгани рўкач қилиниб, чалажон одамни шифохонага олиб боришни пайсалга солдилар. Ахир зўрмазўракн тайёрланаётган ҳужжатлар поёнига етмаганди.

Юракда оғриқ туради. Тошмеҳрлик бу қадар бўлмас. Бир парча қоғоз олдида инсон ҳаёти ҳеч нарса эмасми? Аксига олиб, улар Тоҳиржон бошқариб келган машина ҳужжатларини суриштиришга киришдилар.

— Вой-бу, чатоқ-ку, — дейишди улар. — Транспортни бошқарув муддати соат 22 га қадар экан. (**Машина ташкилотники. Ф. Ш.**). Қолаверса, ҳайдовчлик гувоҳномасининг талони йўқ. Машинани олиб қўямиз.

Пичоқ суякка бориб тақалди. Миршабларнинг хатти-ҳаракати тушунарсиз эди.

«Т. Аҳмедовнинг бир оз кайфи бор эди, — изоҳ беради ўз баёнотида туман ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари К. Мадумаров. — Шунинг учун унинг ёнига икки нафар милиция ходимини бириктириб қўйдим».

Қизиқ, Т. Аҳмедов буни инкор этади:

— Ўша куни ичганларни кўриндан ўтказишган. Кайфим бўлса текширинглар, деб талаб қилганман.

Кимга ишониш керак?

Эртаси кун воқеа ўзгача бўлди. Энг аввало, Абдумўминнинг оғайнилари ёзма баёнотни инкор этдилар. Милиция капитани Камол Кенжаев эса қўрққан олдин мушт кўтарар тарзида иш тутди. Ўзини калтаклаган қиёфада кўрсатиб, кўйлакларн, погонларини йиртиб, узиб, касалхонага ётди.

Хайриятки, орамизда диёнатли, виждонли одамлар кўп. Шифокорлар унинг ноғорасига ўйнашмади. Унга шифохонада ётиш шарт эмас, дедилар. Лекин миршаб пашшадан фил ясашни қўймади. Дўхтир М. Алиевнинг тушунтириш хатига эътибор беринг-а: «Мен уни (**Камолни демоқчи. Ф. Ш.**) дастлаб кўрганимда жиддий жароҳат йўқ эди». Тиббий комиссия хулосасида ҳам ана шу фикр исботини топди, унинг енгил шикастланганигина қайд этилди, холос.

Даҳшатли воқеа орадан икки кун ўтгач содир бўлди. Ички ишлар ходимлари ҳам, жанжал тафсилотини билганлар ҳам Абдумўминни бор-йўғи оёғи синган деб ўйлашганди. Лекин жабрдийда ҳаммани доғда қолдирди. Шифокорларнинг елиб-югуриши наф бермади. Синиқ тери остида бўлганлиги учун қон ивиб қолганди. Эндигина балоғат ёшига етган йигитнинг орзу-ниятлари армонга айланди...

Марҳумнинг дилида режалари кўп эди. У Москва қишлоқ хўжалик академиясини тамомлаган, вилоятда биринчилардан бўлиб фермер хўжалигини ташкил этганди. Литвадан 100 та зотдор сигир олиб келиб кўпайтиришга киришганди. Ўша куни ҳам фермер хўжалик аъзоси Одилжон Рўзматов билан юмушлар хусусида фикрлашаётганди. Тақдир эса...

Воқеа тафсилотини тарози палласига қўясизу, чуқур ўйга ботасиз. Айримларнинг қалби бунчалар мўғорлашиб кетмаса! Улар терисига сув юқтирмаслик учун ҳамма нарсага тайёр туришмаса? Ахир йигитга биринчи тиббий ёрдам кўрсатганларида ёхуд ички ишлар бўлимида 2 соатга яқин уни ушлаб туришмаганларида совуқ ўлим шарпа қилмасмиди? Начора, орамизда ўзгалар тақдирини ўйин биладиганлар йўқ эмас. Шубҳасиз, бундай кишиларнинг юзи шувит, эл орасида қаро бўлади.

Ювлаб, минглаб осойишталик посбонлари халқ тинчлиги учун жонни тикиб ишлашяпти. Аммо Камол Кенжаевга ўхшаганларнинг қилмиши эса мундирни доғлайди, холос. Туман ҳокимлиги ички ишлар бўлимидаги вазиятга тўғри баҳо берди. Соғлом муҳит яратиш учун сафларда тозалов ўтказди. Камол Кенжаевнинг хатти-ҳаракати Хўжаобод туман халқ суди томонидан кўриб чиқилди. Мансабни суиистеъмол қилган, қилмиши туфайли ўзганинг ўлимига сабабчи бўлган жиноятчи 9 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Энди у жазони қучайтирилган тартибли қамоқда ўтайди.

Фозилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• *Дил изҳори*

ТЕМУР РУҲИ МАДАДКОР БЎЛСИН!

Бобомиз Амир Темурнинг ватанимизга қайтиши, мустақиллигимиз шамсининг нурига нур қўшгандек бўлди. Бу бизнинг руҳимиз, қалбимиз ҳам озод бўлганидан далолатдир. Халқ маънавияти, хоҳиш-иродаси йўлида қунуматимизнинг олиб бораётган бундай эзгу ишлари мени ғоят хурсанд қилади.

Самарқандга сайқал бериб турган осмонўпар асори-атиқалар . темурийларнинг келажак авлодга қолдирган улкан тарихий бойлигидир. Мен ҳар гал Самарқанди азимни зиёрат қилганимда шу ўй кўнглимдан кечади.

Кеча қўлимга «Халқ сўзи»нинг навбатдаги сонини олдиму ҳаяжонланиб кетдим. Газетанинг илк саҳифасида бобомиз Амир Темурнинг сиймоси қўйилган экан. Сизларки — мухбир биродарлар яхши ният билан жаҳонгир бобомизга эҳтиром кўрсатибсиз, унинг руҳи поки ишларингиз ва ҳаётингизда мададкор бўлсин.

Дўстмурод ОРИПОВ,
Оқдарё тумани, Янгиҳаёт қишлоғи, туман кенгаши депутати.

* * *

Амир Темур хиёбонида сайр қилиб юриб, ўнлаб йиллар давомида ўзлигимиздан, тарихимиздан узоқлашиб кетган бўлсак, атиги икки-уч йил ичида шу қадар шаҳд билан ўзлигимизга, қадриятларимизга тез қайтаяпмиз-а, деб ўйладим. Ва мана шу ўйим менинг ғуруримни тоғдек юксалтирди. Худога шукр, бу тарихий кунлар толеимизда бор экан.

Мен қурувчи бўлиб ишлайман. Жамоамизда ишчилар билан суҳбатлашиб, шунга иқрор бўлдимки, одамлар руҳиятида ажойиб кўтаринкилик барқ урмоқда. Бу кўтаринкилик ҳуррият, тинч ва осойишта кунларга миннатдорчиликдандир. Қурувчиларимиз эндиликда, Ватан, Миллий қадрият қадрини янада кучлироқ ҳис қилянти. Масалан, биз «Халқ сўзи» газетасининг навбатдаги сонида улуғ Амир Темур сиймоси гавдаланганини кўриб, ҳаммамиз хурсанд бўлдик. Оддий ишчилар фахрланганларини, қурувчиларимиз кўнглидаги гапларни сизларга ёзиб юборяпман.

Соҳибқирон сиймоси газетангизга муборак бўлсин!

Мухтор ТЎХТАБОЕВ,
Тошкент шаҳри.

* * *

Ҳурматли «Халқ сўзи» газетаси ходимлари. Мен бу мактубни сизнинг газетангиз бобоколонимиз Амир Темур сурати билан чиқа бошлагани сабабли ёзаяпман. Бизнинг Чироқчи тумани аҳолиси ҳатто энг оғир йилларда ҳам буюк жаҳонгир Амир Темур билан фахрланиб келарди, ва буни ҳеч кимдан яширмасди ҳам. (Фақат айрим раҳбарчалар уни қоралаган қоралаган эди). Қирадирлардаги чўпонлар ҳам, фермалардаги сут соғувчилар ҳам бугун оддий ҳақиқатни кўриб, юракдан ҳис қилиб турибди. Яъни, ҳукуматимиз аждодларимиз ҳурматини жойига қўймоқда. Бу давлатнинг халққа бўлган эҳтиромидаи, албатта. Ҳозир бизнинг Чироқчида чўпончўлиқлар, деҳқону сабзавоткорлар жуда катта кўтаринкилик билан меҳнат қилмоқда. Амир Темурнинг юртимизга қайтгани кучимизга-куч, ғайратимизга ғайрат қўшди. Сизларни ҳам газетангиз рамзига улуғ бобомиз сиймосини танлаганларингиз билан юракдан қутлаймиз.

Н. ЭШҚУВАТОВ,
Чироқчи тумани.

Муҳаррирлиятимизга Тошкент шаҳри Собир Раҳимов тумани Зарқайнар кўчасида яшовчи бир гуруҳ аҳоли шикоят мактуби йўллаган эди. Биз ушбу хатни туман ҳокимлигига жўнатгандик. Яқинда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Н. Абдужабборов имзоси билан қуйидаги жавобни олдик:

«Туман ҳокимлиги аҳолидан чиқиндиларни олиб кетиш учун пул йиғиб олинганлиги, аммо бу иш амалга оширилмаётганлигини текшириб чиқди. Натижада Зарқайнар кўчаси, шунингдек 14, 15-боғи берк кўчалардан 53-78 номерли машина ҳафтада 1—2 марта бориб чиқиндиларни олиб кетишига эришилди. Бундан ташқари машина Хастимомда ҳар куни кечқурун соат 18 дан бошлаб эрталабгача чиқиндиларни тозалаш учун туради».

* * *

«Мен II гуруҳ ногиронман. Кўрлар жамиятига аъзоман. Собиқ СССР даврида ногиронлар, «афғон»чилар, Чернобилда хизмат қилганларга транспортда юришга имтиёзлар берилган. Биз ана шу гувоҳнома билан автобус кассаларига борсак қайтариб юборишади. Эмишки, ҳозир у даврлар ўтиб кетган. Шу тўғрими?

Ҳ. ЭРГАШЕВ,
Бўз тумани».

* * *

Ҳ. Эргашевнинг хати юзасидан Ижтимоий таъминот вазирлигидан қуйидагича жавоб олдик:

«Байналминалчи ногиронларга, Чернобиль АЭСи авариясида қатнашганларга ва I ҳамда II гуруҳ кўзи ожиз ногиронларга шаҳар ва туман умумий транспортларида (таксидан ташқари) бепул юриш имтиёзлари Президент фармони билан қонунлаштирилган.

Бу фармонни бажармаган транспорт ҳайдовчилари устидан транспорт идоралари бошлиқларига, шаҳар ва туман ижтимоий таъминот бўлимларига мурожаат қилишингиз керак.

Бош бошқарма бошлиғи:
Ш. ШОРАҲМЕДОВ».

ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОР ВЎЛСИН

Қувасой шаҳар «Арсиф» жамоа хўжалигининг Арсиф қишлоғида Иброҳимжон ота Мамаанёов доғаи бир отахон яшайди. У бутун умрини одамларга яхшилик қилиш билан ўтказмоқда. Саҳоватлаша бу инсон жамоа хўжалигининг қирадирлардаги тошлоқ ерларига қовун, тарауз экиб, етиштирган ҳосилини болалар боғчаларига, ночор оилаларга, тўй маъракаларга бепул тарқатмоқда.

Иброҳимжон ота ўзи етиштирган қовунларни пулга сотишни ор деб билади. Арсифлиилар маҳалла оқсоқоли Иброҳим отанинг бу саҳоватидан жуда хурсанд бўлишяпти.

СУРАТДА: Иброҳимжон ота «Бойчечак» боғчасида болаларни ўзи етиштирган қовун билан сийламоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

УЙ ЭМАС ТАШВИШ СОТИБ ОЛДИК

Ўлмаган қул пешонасидагини кўради, деб бежиз айтишмаган экан. Биз ҳам уй олгач, уйсиз юрган пайтларимиздан-да кўпроқ азоб чекяпмиз. Пойтахтимиздаги «Кировец» уй-жой қурилиш кооперативи Юнусобод туманининг 9-мавзесидаги 5-«а» уйининг калитини биз — уй соҳибларига топширганига ҳам ярим йилдан зиёд вақт бўлди. Ноилож-ликдан 20 га яқин оила уйга кўчиб киришди. Юнусобод тумани ҳокими муовини (нсм-шарифларини айтишни лозим топмадилар)нинг суву газ ҳам бўлади, лифт ҳам ишлайди, деган ваъдаларидан сўнг, ҳар куни 300 метрлар узоқдан сув келтираётган ҳонадон аъзолари енгил тин олгандай бўлишди. Бироқ, ваъда ваъдалигича қолиб кетди. Биз камчиликларни тўғрилаб беришларини талаб қилиб, юқорида қайд этилган қурилиш ташкилотига мурожаат қилсак, улар уйни 4-ЖЭКка топширганликларини айтишди. Ваҳоланки, уй ҳали ЖЭКка топширилмаган экан... Барча ҳаракатларимиз бесамар кетгач, пул йиғиб зарур қурилмани сотиб олиб, совуқ сувни очишга эришдик. Бироқ август ойининг биринчи куниданоқ электр йўқ. Уйимизнинг қарама-қарши томонига жойлашган 1-«а» уйда ҳам аҳвол биздагидан яхши эмас.

Кўпгина йўлакларнинг эшик ва деразаларини ножинс кишилар ўғирлаб кетишяпти. Негаки уй эгалари яшаши учун оддий шароит ҳам бўлмагани боис кўчиб келишмаяпти. Ҳомиладор аёллару қариялларнинг 7-, 8-, 9-қаватларга яёв чиқишини бир тасаввур қилсангиз масала ойдинлашади-қўяди. Уй эмас, ташвиш олган эканмиз. Елкамиздаги оғир юкдан ким халос этишини билмай хунобмиз.

ХОЖИМЕДОВ, ИСМОИЛОВ, АБДУҲОЛИҚОВА
(Жами 13 оила).

ШЎРБОН ҚИШЛОҒИНИНГ ПУЛХЎР РАДНОЛАРИ

Ишонмайсизми? Марҳамат қилиб бизнинг Шўрбон қишлоғимизга келинг, ўзингиз гувоҳ бўласиз. Бундан бир неча йил муқаддам радиоточкалар ўрнатилган эди. Янгиликлару воқеалардан хабардор бўламиз деган ҳамқишлоқларимизнинг хурсандчиликлари кўпга чўзилмади. Ёлғон бўлмасин, йилига бир ой, у қачонки, радио хизмати учун пул йиғиб олишаётганда ишлайди. Қолган вақт эса...

Мутасаддилар яқинда 120 сўмдан пул ундиришди, бироқ «гуиг» радиоларимиз «даволанмади». Самарқанд тумани алоқа бўлимидагилар ё радиомизни тузатиб беришсин, ёки ўша 120 сўм пулни бир йилга бўлиб ҳар куни келиб олиб кетишни ташкиллаштиришсин. Негаки, ҳар куни пулни кўргач радиомиз узлуксиз ишласа ажабмас.

В. КОМИЛОВ.

Муштарий мактубларидан...

ЎҒРИ-КУ ТОПИЛДИ, МОЛ-ЧИ?

Яхши кунимга ярар деган ният билан мол боқаётган эдим. Асраган кўзга чўп кирар, деганлари рост экан. Ўтган йили 10 март куни ана шу молимни ўғирлаб кетишди. Бу ҳақда Асака туман ички ишлар бўлимини хабардор қилдим. Текшириш ўтказилгач, ўғри ушланди. Тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилганига қарамай, сигиримдан ҳамон дарак йўқ. Топилармикин, ёки молини қайтариб ололмай бор-будидан айрилган Асрор бобонинг ҳолига тушармиканман?

Қамбарали СУЛТОНОВ,
Асака тумани.

ВОЛАЛАР УЧУН ЯРИМ МИЛЛИОН!

Яқинда Бекобод цемент комбинатида Ватан истиқлоли шарафига ўтказилган шанбалиқдан тушган ярим миллион сўм пул «Соғлом авлод учун» фондига ўтказилди.

Н. ОТАВОЕВ.

МАИСАВ—ҚАЛҚОН... МИ?

Мен Денов туманидаги «Хазарбоғ» давлат хўжалигида оддий сувчи бўлиб ишлайман, тўғрироғи ишлардим. Бригада бошлиғимиз Олтин Бозорованинг кўпгина ноқонуний ишларини юқори ташкилотларга ёзганлигим боис ишсиз қолдим. Ишдан ҳайдалганимга сабаб, бесўроқ ишга келмаганим эмиш. Ваҳоланки, мен Фарғонадан келган телеграммани бўлим . бошқарувчисига кўрсатиб, жавоб олган эдим. Мени ишдан бўшатиш ўч олишнинг янги усули эди.

Маиа тўрт ойдирки, оиламни боқишга қийналяпман. Қари онамнинг нафақа пулига кун кўраяпман. Ҳақиқатнинг юзага чиқишига, менинг ишга тикланишимга ёрдам бернг. Наҳотки, ноқонуний ишлар қилиш учун бригадирлик мансаби қалқон бўлса?

Ҳакимжон ШАРИПОВ,
Сурхондарё вилояти.

ЧОРВАГА ЭЪТИБОР БЎЛСА...

Қишлоқда чорвасиз яшаш қийин. Шароит бўлмаса-чи? Бизнинг Фарғона водийсида чорва молларини боқиш учун яйлов у ёқда турсин. оддий имкониятлар ҳам йўқ.

Ҳозир ғўзалар қийғос очилган палла. Ғўза пайкалидан ўт юлсанг ҳосили тўкилади, дала чеккасида, тутқаторларда мол боқсанг... жарима солишади. Нима қилишга ҳайронмиз. Ахир қишлоқларда чорва моли кўпайтирилмаса, гўшт ва сут маҳсулотларнинг нархи осмон билан бўйлашаверади. Тўғри, қишлоқда яшовчиларнинг чорвасини ем-хашак билан таъминлаш борасида Президентимизнинг фармонлари ўтган йилгача бажарилди. Бу йилга келиб эса... қийин аҳволдамиз.

Ем-хашак сотилмаса, далада мол-қўй боқишга рухсат этилмаса, қишлоқ аҳлининг ҳоли нима кечади?

Толибжон ЭРГАШЕВ,
Бўстон тумани, Бўстон қишлоғи.

ЭҲТИРОМ

Яхши инсонлар ҳақида сўз кетса томдиликлар икки шифокор — Муаттар Турсунхўжаева ва Тожихон Тўрақуловларни меҳр билан тилга олишади. Гап шундаки, яқинда Муаттар ва Тожихон Тошкент педиатрия илмий-текшириш илмгоҳидан махсус йўлланма билан туманимизга келишган эди. Улар тумандаги бемор болаларни тиббий кўрикдан ўтказди, даволади.

Хуллас, нафақат билимлари, балки ширин муомаласи билан ҳам беморларга малҳам бўлишди.

Е. СЕРИКБОЕВ,
Ленин номли давлат хўжалиги.

ЯХШИЛАР КЎП

Суягим меҳнатда қотган. 11 ёшимдан қишлоқ хўжалигининг турли жабҳаларида ишладим. Ўша уруш ва ундан кейинги оғир йиллар саломатлигимга ўз таъсирини ўтказди. Касалманд бўлиб қолдим. Шукрки, етти фарзандим бор. Набира ва эвараларим ардоғидаман.

Шундай бўлса-да, мен баъзан: «Қариганда ҳеч ким йўқламаяпти», дея ўзимча нолиб қўяман. Кўнгил экан-да...

Яқинда кутилмаганда набираларим «Момо, сизни ҳоким йўқлаб келибдилар» деган хабарни айтишди. Бошим осмонга етди. Пўлат Сулаймоновнинг ниш кўп бўлишига қарамай, меннинг соғлигимни суриштириб, суҳбатлашиб ўтирдилар. Мустақиллигимиз байрами арафасида кам даромадли ва биз каби нафақахўрларга арзон нархда биттадан кўзн тарқатдилар. Бу билан момога кўй берганликлари учун ёзибдилар-да, деб ўйламанг. Халққа эътибор берган раҳбарга халқнинг ҳам эътибори ошади. Қанийди, ҳамма раҳбарларимиз шундай бўлса...

Ражаб ИСКАНДАРОВА,
Конимех тумани.

АРЗИМГА САВАБЧИ — ТЕЛЕФОН

1986 йили февраль ойида галабанинг 40 йиллиги муносабати билан уйимизга 42-11-11 номерли телефон ўтириб берилган эди. Ўшандаги қувончимизни таърифлашга тил ожиз. Узоғимиз яқин бўлганди-да. Бироқ телефондан 6 йилдан ортиқ фойдаланган бўлсак-да, 6 маротаба бўлса ҳам қониқарли ишламаган. Ва биз бировга кўнгироқ қила оламиз ва на улар бизга. Лекин телефон кўнгироғи тинмас, улар гоҳи ҳаммомни, гоҳи магазинни сўрашиб, асабимизга тегишарди. Мен қари бўлганлигим, соғлигим ҳар доим ҳам яхши бўлмаслиги сабабли бу кўнгироқлар жонимга тегарди.

1992 йил охирида 42-11-11 номерини 49-18-72 номерга алмаштириб беришди. Номер ўзгаргани билан аҳвол ўзгармади. Аксинча, шу йил 6 мартдан берн умуман ишламаяпти. Менинг юқоридаги масала юзасидан қилган мурожаатларим жавобсиз қоляпти.

Ёшим 90 да. 1-гуруҳ ногиронман. Оиламда ёш болалар, набиралар кўп. Телефон муаммоси ҳал бўлишида газетанинг ёрдамидан умидворман.

Гулом УСМОНОВ,
С. Раҳимов тумани, Қуёш кўчаси, 6-уй.

Саъдулла ҲАКИМ

КЎЗМУНЧОҚ

(шу номдаги китобдан)

Таран ўйлаганинг сари айтмоқчи бўлган фикрларинг ихчамлашиб, чумолидек озиб бораверар экан. Достоннинг-ку йўриғи бўлак, мумтоз адабиётда ғазал мўъжизалиги, рубоий шоёнлиги, фард зоҳирлиги шуиданмикин! Мунчоқдек бир сўз юракка ўт ёқиб юборади-я баъзан! Не-не чуғалган жумлалар қилолмаган ишни қилади мунчоқдек бир сўз! Чиндан қам болаликнинг ўйи калта, сўзи узун, балоғатнинг эса сўзи калта, ўйи узун.

Аслида бизга йўл бўлсин-у, яхши ният — ярим давлат деганларидай кўнглимдаги мўъжаз фикрларимдан туркум ижод қилаяпман. Илоё, эътирофда сўзингиз калта бўлмасин, азиз газетхон!

(Муаллиф).

ГУЛ

Табиатнинг ҳикмати гул
Ҳаётимнинг ҳикматидир:
Гулларингни яшнирмагил,
Илдизингни сақла сир!

АЛДАРКУСА

— Алдарқўса, нега алдайсан!
— Алдамасам яшай олмайман.
— Алдарқўса, нега ўлмайсан!
— Яшамасам алдай олмайман...

УСМОН НОСИР ВА УЗГАЛАР

Янгламоқ шунчалар мушкулдир
нақот
Қайда ёлғон зоҳир,
Қайда пайдо чин.
Тўғри йўл тик жарга қуч этиб
ғоҳр,
Эгри йўл чўққига этмоғи
мумкин...

ШОҲИ ЖОН

Тола қочса чийрдан
қил арқон ҳам узилгай,
Қуроқ сўзлар қовушса
минг бир ҳикмат тузилгай.
Осмонлигим, шоҳи жон,
сенинг замнилигингдан,
Дур бўлса ҳам тақинчоқ
оддий ипга чизилгай!

ҚУШҚИЙС

Тоза сув ўрнига тақдим аччиқ
тер,
Аччиқ тер ўрнига тухфа тиниқ
ёш, —
Муносиб ёлга номуносиб эр,
Номуносиб эрга муносиб ёш.

СУЗ ТАФТИ

Кўр босган ўчоқда чўг
кўринмайди,
Аввало юзларни қизиқтар ялоғ.
Сўз кўзга чалинмас чўққа
ўхшайди,
Маъно порлаб турар ҳарорат
янглиғ.

ЎРМОНЧИЛАР

Ўрмончилар ҳақида
ҳангомага бу бир гап,
Кўрган-эшитган ҳайрон:
ўрмончилар кетдилар!
Эгри-бўгри қайроғоч
соясида соялаб,
Тўғри ўсган теракни
Шартта кесиб кетдилар.

ТАНДИР

Балки
пиширгандир лойини шомр,
Балки шундан
элга манзурини сқри.
Юртга нон улашиб сўлқилдоқ,
ширин,
Ўзига бир ғўм кул қолар охир...

НАЙ

— Оҳангларинг мунглар нахрини,
Най, бунчалар маъюссан, нега!
— Айтолмаган ҳасратларини
Сўзлашади одамлар менга!

ДАРЁНИНГ ИККИ ЮЗИ

Инсон бир, аммо ўзи бошқа-
бошқа,
Феъли-ю, қошу-кўзи бошқа-
бошқа.
Қуш қирғоқ бир дарёдан сув
ичса ҳам,
Дарёнинг икки юзи бошқа-бошқа.

СУЗ

Сўз — бу боғда етилган ҳосил,
Ҳар ким олар керагин териб.
Аччиғини ўзи ер оқил,
Бошқаларга ширинин бериб.

СЕНИ ДЕБ

Кўрмадим меҳрибон боқдан
кўзингдан,
Тотмадим ширирроқ асал
сўзингдан.
Барибир сени деб чекар эдим оҳ,
Дунёда яна бир бўлса ўзингдан!

БАҲОР ҲИКМАТИ

Баҳор келиб-кетди кўч-кўрон
билан,
Айтиб кетди абадият сирини,
Чаперас гуллади илдизи борлар,
Илдизи қурғанлар барг чиқиди...

ЭҲТИРОС

Боғрим яшнар...
Юрагим ялиб,
Қалбимда шеър гул каби битар.
Қалам...
гўё оловнинг тили,
Бармоқларим лоғуллаб кетар!

АГАРЧИ...

Гарчи овозингиз тутмиш самони,
Гарчи биз сувоқнинг сариқ
сомони,
Қўйманг ўзингизга бунчалар
бино,
Мўриндан иборат эмасдир бино!

БОЛАЛИК

Болалик.
Кўпиари.
Эсимдан чиқмас
Чоллардан бирининг айтган
сўзлари:
— От минган ҳар киши чавандоз
бўлмас,
Анди эмас эшак минганнинг барг!

АЙТИМ

Жонодил жонга хуш жўмардни
суюр,
Бирга тош-муз ялаб, бир ўтда
куюр.
Отам замонлардан қолган бу
айтим:
Айғир қум чайнаса, чанг ютар
уюр.

РОСТГЎЙЛИК

Ростгўйнинг душмани кўпдир
ҳамиша,
Қасдига тушгани кўпдир ҳамиша.
Боғбонга «Бекангиз сулуа...»
деб эдим,
Боғдан қуба солди кўлида тоша...

ЭЙ РАФИҚ

Эй рафиқ, бунингдек нокаслик
нечун,
Паст кетма, баланд тур, айтай
бир қиёс:
Маноии юксакда бўлгани учун
Барчага баробар нур сепар
қуёш!

ТУЮҚ

Нодон кас ҳақида очсам гап
устин,
Ноқис мижозидан туролмас
устин.
Шаршара қўрғошин устунга
ўхшар,
Аммо иморатга бўлолмас устун!

ТАМОЙИЛ

Ровийлар рост айтмиш, чўп
синмас бекор,
Ҳар бир тамойилга бор ўзга бонс.
Доим зўравонлан етади озор,
Исён кўтаради ҳамиша оғиз.

ОЙДИН КЕЧА

Ярим тунда кўз очсам,
Ёнимда ётибди Ой.
Сочлари тарам-тарам,
Юзлари тиниқ ширмой.
Томиримда қон эмас,
Гурас-гурас оқди нур.
...Ойга қаранг, юзида
Бўса изи кўринур.

КЎЗИМ ГАВҲАРИ

Бундайн, юрагдан нарндасан,
Яъники, кўзимнинг гавҳаридасан.
Ва лекин юракка қиймат солган,
Кўзим тоғганнинг барндасан!

БОТИР

Тоғдай қоматни ҳам чўктирар
вақт,
Қиличин ўрқдек ялаб хавотир.
Халқим деб жон берган кимсалар
— шаҳид,
Мардининг ўлимидан тутилар
ботир!

КЎНГИЛ ЮЗИ

Кўнгил юзин кўз ичидан ахтаринг,
Кўклам изин куз ичидан ахтаринг.
Сўздан либос ниймиш, изтиробдан
тож,
Саъдуллонм сўз ичидан ахтаринг!

• Спорт • Спорт • Спорт •

ПЕШҚАДАМЛИК ҚИЛИШНИНГ ЎЗИ БЎЛМАЙДИ

Мавсумнинг учдан икки қисм ўйинлари ортда қолди. Яна ўн турдан сўнг республикамиз ўйинқоҳларида чемпионат байроқлари тушириладн. Олий табақада ўтказилган 159 учрашувда дарвозалар 467 марта ишгол қилинди.

Биринчиликнинг кейинги икки турида ғолиблик учун кураш олиб бораётган жамоалар ўртасида баҳс «Нефтчи» фойдасига ҳал бўлди. Бунда албатта асосий рақиби — «Пахтакор» жамоасининг «ҳисса»си бор. Тошкентликлар 19-турда биринчилик жадвалиннг қуйи поғонасида бораётган «Шифокор» клуби меҳмони бўлиб, кутилмаганда очкони бой берди. Гулистонликлар мавсум давомида дуранг нималигини билишмаган эди. Уларнинг биринчи дурангги «Пахтакор» учун қимматга тушди.

Собиқ СССР биринчилигида ўрта поғоналардан жой олиб юрган тошкентликларда пешқадамга хос тўп суриш тажрибаси етишмаяпти. Бунга ўтган йилги мавсумда ҳам амин бўлган эдик. Иккинчи давра бошларида тўплангаи очколарига кўра бошқа жамоалардан анча илгарилаб кетган «Пахтакор»нинг ўтган йили чемпион бўлишига ҳеч ким шубҳа қилмаганди. Лекин пойтахтликлар хотиржамликка берилиб, мавсум сўнггида кетма-кет очколарни бой берган ва оқибатда «Нефтчи»нинг етиб олишига имкон яратишган эди. Фарғоналиклар эса аксинча собиқ СССР биринчилигининг иккнчи лигадаги ўз зонасида доим пешқадамлик қилиб келишган. Жамоа пешқадамликни сақлаб туришда ўзига хос тажрибага эга экаилиги Ўзбекистон биринчиликларида ҳам кўринди. Бу йилги мавсумда ҳам ўтган йилгидек «Нефтчи» дастлаб «Пахтакор»ни қувиб ўтдн. Эндиликда эса ғолиблик мавқеини бир зум бўлса-да, сусайтирмаяпти.

«Пахтакор» Гулистонда ҳам учрашувнинг сўнгги дақиқаларигача ҳисобда олдинда борди. Бироқ уларнинг сўнгги дақиқалардаги хотиржамлигидан «Шифокор» унумли фойдаланди. Учрашув 2:2 ҳисобида тугади. Фарғона водийсининг етакчи жамоаси эса сўнгги икки турда сафарда ўйнашига қарамай рақибларини умумий ҳисобда 6:0 натижа билан енгди. Дастлаб улар самарқандликларни доғда (0:3) қолдирган бўлса, 20-турда «Янгиер»дан устун (0:3) келди.

Кейинги икки турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд қилиниди.

19-ТУР

«Темирйўлчи» — «Политотдел» — 2:1, «Орол» — «Навбаҳор» — 1:2, «Нурафшон» — «Кушон» — 4:1, «Трактор» — «Сўғдиёна» — 1:2, «Чирчиқ» — МҲСК — 1:1, «Янгиер» — «Наврўз» — 4:1.

20-ТУР

«Политотдел» — «Шифокор» — 6:0, «Орол» — «Кушон» — 3:0, «Нурафшон — «Навбаҳор» — 3:2, «Пахтакор» — «Темирйўлчи» — 2:0, «Динамо» — «Наврўз» — 0:1, МҲСК — «Трактор» — 0:3, «Сўғдиёна» — «Чирчиқ» — 3:0.

Навбатдаги тур учрашувлари 17-18-сентябрь кунлари ўтказилади. «Нефтчи» ўз майдонида МҲСК жамоасини қабул қилади. «Пахтакор» сафарда «Кушон»га қарши майдонга чиқади.

Р. ЖУМАЕВ.

20-ТУРДАН СЎНГГИ ВАЗИЯТ

		Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.	«Нефтчи»	20	16	3	1	51:14	35
2.	«Пахтакор»	20	14	4	2	47:16	32
3.	«Сўғдиёна»	20	11	7	2	34:14	29
4.	«Навбаҳор»	19	11	5	3	38:18	27
5.	«Нурафшон»	20	9	5	6	34:21	23
6.	«Темирйўлчи»	19	9	4	6	20:17	22
7.	«Наврўз»	20	8	6	6	33:28	22
8.	МҲСК	20	7	7	6	29:30	21
9.	«Политотдел»	20	7	2	11	34:33	16
10.	«Орол»	20	7	2	11	25:39	16
11.	«Янгиер»	20	6	4	10	25:35	16
12.	«Трактор»	20	4	5	11	14:27	13
13.	«Кушон»	20	4	5	11	21:37	13
14.	«Динамо»	20	5	2	13	14:35	12
15.	«Шифокор»	20	5	1	14	20:60	11
16.	«Чирчиқ»	20	4	2	14	28:43	10

«НАБИ» ФИРМАСИНИНГ ФАОЛИЯТИ

Гулистон шаҳри дўконларида ёшлар учун хорижликдан қолишмайдиган кийим-кечаклар пайдо бўлди. Улар «Наби» фирмаси қурган янги цехда тикилмоқда.

Фирма икки йил олдин ташкил этилган эди. Шу вақт ичида анча машҳур бўлиб кетди. Кўпгина корхоналар компьютерлар харид қилиш ва уларнинг ишини йўлга қўйишда, замонавий материалларни олишда ёрдам бергани учун «Наби» фирмасига миннатдорлик билдирмоқда. Фирма Тошкентда, Москвада, Санкт-Петербург ва Новороссийскда, Екатеринбургда, МДХ мамлакатларидаги бошқа шаҳарларда ваколатхона очган. Олинаётган фойда ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфланмоқда — ҳозир яна бир йирик тикувчилик цехи қурилмоқда.

(ЎзА).

«Сочларим толим-толим...»
Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

АНДИЖОИДА ҚОВУН ДАРАХТИ

Андижонлик Каримовнинг қовлисида ўсаётган қовун дарахти — папайя или ҳосил берди.

Иссиқ минтақада ўсадиган бу дарахтнинг меваси ва баргидан дори ва атирупа тайёрлашда фойдаланилади. Қодиржон Каримов бошчилик қилаётган «Меҳр» кичик корхонаси аъзоларн ана шу қимматли хомашёни етиштиришга аҳд қилдилар. Улар маҳаллий доришунослар билан ҳамкорликда папайядан турли дори-дармонлар, шарбатлар тайёрлашнн мўлжаллашмоқда. Ҳозир тоғ этагидаги етти таноб ерда «қовун дарахти» ўсяптн. «Меҳр» кичик корхонасиинг ишбилармонлари келгусида у ажойиб дарахт кўчатини кўпайтириш ниятида.

(ЎзА мухбири).

БИР ЙЎЛА ЕТТИ МИЛЛИОН

НАВОИЙ тоғ-металлургия комбинати директори Николай Кучерский Навоий шаҳар ногиронлар жамиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида ва ушбу жамиятга ёрдам тариқасида етти миллион сўм ажратиш тўғрисидаги буйруққа имзо чекди. Ҳали шу пайтгача ҳеч бир корхона бу қадар ҳиммат кўрсатганн йўқ эди. Бу билан комбинат камматаллашиб қолгани йўқ. Хайрнянинг бутун бўлгани яхши-да.

М. МАРДИЕВ.

ЭЪЛОНЛАР

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, ФИРМА, ҚЎШМА КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА:

Корхона "Волга", ВАЗ, "Москвич" енгил автомобилларига автохизмат кўрсатади. Пул тўлаш келишилган нархда.

Манзилимиз: Фарҳод кўчаси, 21-А уй, 4 қават, 10чи хона. / "Балиқчилик" коцерни биноси /.

Тел. 76-47-68.

Рублда, ўтказиш йўли билан бизларни яна қаердан сотиб олардингиз?

Видеокамерлар	М 3000
Телевизорлар	SONY 74, 68, 51 см.
Видеодвойкалар	HITACHI, SAMSUNG
Мусиқий марказлар (лазер дисклари билан)	SONY, PHILIPS
Икки кассеталиклари	SONY, SHARP
Телефонлар	PANASONIC
Радиотелефонлар	PANASONIC
Факслар	PANASONIC

Телефонлар: 72-56-02, 91-00-68.

ЯРМАРКАГА МАРҲАМАТ !

Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқарувчи вазирликлар, тасарруфлар, концернлар, бирлашмалар ва кичик бизнес корхоналари раҳбарлари диққатига!

1993 йил 11-16 октябр кунлари Кооператорлар уйида маданий-маиший, спорт, хўжаликка оид, атторлик-парфюмерия, қурилиш моллари, иш ва бошқа чиқиндиларнинг республика улгуржи савдо ярмаркаси ўтказилади.

Бозор истеъмолчилари учун халқ хўжалиги молларининг улгуржи харидорлари *"Ўзбексавдо"* давлат ассосиацияси, *"Ўзбекбирлашув"* ҳисобланади, бозордан ташқари истеъмолчилар учун эса *"Ўзшартномасавдо"* давлат ассосиацияси ва унинг республика тижорат-воситачилик фирмаси *"Ўзтижмаишийшартномасавдо"* ҳисобланади.

Иштирок этиш учун талабномалар 1993 йил 22 сентябрдан бошлаб қуйидаги манзилда қабул қилинади: *700038, Тошкент, Навоий кўчаси, 7-уй, РСКПФ "Ўзтижмаишийшартномасавдо".*

Маълумотлар учун телефонлар: - 41-31-93, 41-06-21.

Улгуржи савдо - 1994 йилда муваффақиятли ишлаш гаровидир!

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64606.

МУАССИСЛАР: Узбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эскиргап ВОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эрнин ВОҲИДОВ, Миракмал МИРАЛИМОВ, Саъдиддин МУҲИДДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРЯКОВ, (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Саидаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Бойқўзиев, навбатчи — Р. Жумаев.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 0001. Буюртма Г — 496. 97346 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А — 2. Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди 2230.

Узбекистон Республикаси Президенти девонининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 5 4 5 6